



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Раимов Абдулхамид

*Тошкент ахборот технологиялари университети  
Фаргона филиалитадқиқотчиси*

## ЎҚУВЧИЛАРДА АККУЛЬТУРАТИВ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ЗАРУРИЯТИ

### Аннотация

Мазкур мақолада маданийлашув жараёнларини ўқувчиларга тушунтириш, ўргатиш ва уларда аккультурацион дунёқарашни шакллантириш заруриятига унинг назарий методологик асослари билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** аккультураця, маданий-гуманитар ҳамкорлик, маданий уйғунлик, маданий муносабатлар, этник низо, маданий гуруҳ.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида фуқаролик жамиятини ривожлантириш тенденциясини, маданий ўзгаришлар шароитида толерант маданиятлараро мулоқотни шакллантириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, кўпмиллатли мамлакатимизда миллий ва аккультурацион муносабатларни ҳуқуқий ва ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш зарурати ортиб бормоқда. Зеро, “халқларимизнинг янги тарихи бошланди, бу иқтисодий, маданий ва маънавий тараққиёт, тинчлик, барқарорлик ва фаровонлик даври бўлишига ишонаман”[1:186]. Бугунги шиддатли замонда, миллатчилик билан боғлиқ қарама-қаршилиқлар, дунёнинг турли ҳудудларида этник низолар, ҳудуд талашувлари вазиятида жамиятда, инсонларда аккультурацион дунёқарашни шакллантириш муҳим ижтимоий-педагогик вазифа сифатида юзага чиқмоқда. Шу боис жамиятимизнинг янги ривожланиш босқичида миллат ва элатларнинг, жамият ва давлатларнинг маданий шаклланиши, муносабатлари ва тараққиётини тўғри тушунтириш, таълим тизимида маданий



шаклланиш тенденциясини пухта сингдира олиш вазифасини юклаш орқали ёшларда аккультурацион жараёнларга толерант ва объектив муносабатни шакллантириш таълимий вазифа сифатида майдонга чиқмоқда. Бунинг учун узлуксиз таълимда тарихий-маданий жараёнларнинг бутун ҳолатини қайта баҳоланиши, бу соҳада йиғилиб қолган муаммоларни янгича тафаккур асосида чуқур назарий мушоҳада этиш ва ҳал этишни амалий механизмларини такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Зеро, “ҳозирги мураккаб, масъулиятли паллада барчамиз бир тану бир жон, бир-биримизга меҳрибон бўлишимиз зарур эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаётганини биз, улкан минтақамизда яшаётган барча одамлар яхши англаймиз. Ҳеч шубҳасиз, кейинги вақтларда анча кенгайган, таъбир жоиз бўлса, янги қувватга эга бўлган маданий-гуманитар ҳамкорлик бу борада муҳим ўрин тутди”[1: Б. 184].

Мазкур мақолада маданийлашув жараёнларини ўқувчиларга тушунтириш, ўргатиш ва уларда аккультурацион дунёқарашни шакллантиришнинг назарий методологик асослари билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган бўлиб, “маданийлашув”нинг шаклланиши, ривожланишига оид замонавий концепциялар, назариялар, маданий муносабатлар ва аккультурацион муносабатлар мазмуни, фарқли жиҳатлари ва диалектик алоқадорлик масалалари, бу борада хорижий ва миллий доирадаги изланишлар илмий ўрганилган ҳамда ҳар бир параграфдаги илмий фикрлар тизимлаштирилиб, бу борада тадқиқот доирасида хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда ушбу мақолада таълим жараёнида маданий муносабатларни самимийлигини сингдириш ва ўқувчиларда аккультуратив кўникмаларни шакллантириш масалаларини тадқиқ этиш мақсад қилинган. Мазкур мақсаддан келиб чиққан ҳолда аккультурация тушунчасининг мазмун-моҳияти, луғатларда тарифланиши таҳлил этиш, аккультуратив кўникмаларни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик механизмларини яратиш заруратини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ғарб тадқиқотчиси Сем Беррийнинг хулосаларига кўра, “биргаликда яшаб келаётган ёки яшашга мажбур бўлган турли маданий хусусиятларга эга одамлар муқаррар равишда бир-бирларига ўзаро таъсир кўрсатиб келади ва бу жараёнда юзага келадиган ўзгаришлар аккультурацияни келтириб чиқаради”[3: 615-631]. Шунингдек, мазкур жараённи тадқиқ этган бошқа олимлар ҳам, хусусан Р.Ротфилд, Р.Линтон ва М.Ҳерковитслар ҳам аккультурациянишунга яқин маънода таърифини келтиришади. Бошқа бир олим Флескеруд томонидан аккультурация, “бир ижтимоий гуруҳнинг бошқа бир ижтимоий гуруҳ билан алоқалари ва муносабатлари таъсирида юзага келадиган ўзгариш”[4: 543-546] сифатида тарифланади. Ушбу тадқиқотларга кўра, маданий муносабатлар, бир маданий гуруҳнинг бошқа бири билан муносабатлари, бир бирига сингиб кетиши асосида қадриятлар, урф-одатлар ва хатто инсонлар характерида ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Бу жараён секин-асталик билан содир бўлсада, маълум вақтдан кейин ўз таъсирини кўрсатади. Бу жараёнда синфлар, қатламлар, гуруҳлар ва бошқа бир маданий бирликларнинг толерант муносабати, тоқатли фикрлаш тарзи муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Чунки бундай ўзгаришлар низоларни ва қарама-қаршиликларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Шу боис ҳар бир жамият ўз ёшларида маданий муносабатларни, миллатлараро тотувликни ўргатиб бориши, ижтимоий толерант муғитни шакллантириши талаб этилмоқда. Ўзбекистон ҳам ўзининг янги ривожланиш босқичида узлуксиз таълим тизимида аккультуристлик



дунёқарашни шакллантириш орқали ёшларда кўп миллатли жамиятда мулоқот қилиш мақданиятини шакллантиришни мақсад қилмоқда.

Бугунги педагогик таълим жараёнида ўқувчиларда аккультуративлик кўникмалрини шакллантиришда куйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади:

- ✓ Тил омили
- ✓ Ишонч ва эътиқод омили
- ✓ Қадриятлар ва анъаналар омили
- ✓ Урф-одатлар омили
- ✓ Таълим омили
- ✓ Ижтимоий нормалар омили
- ✓ Ижтимоий тузилмалар омили
- ✓ Сиёсий муҳит омили
- ✓ Ижтимоий тараққиёт омили
- ✓ Экологик омиллар[4:12].

Аккультурация категорияси ғарб атамашунослигида “маданий бойитиш”, “маданий уйғунлик” ва “маданий муносабатлар” каби маъноларни англатади[6:]. Мазкур тушунча ишлатилиш ўрнига кўра, бир биридан фарқ қиладиган маданий гуруҳларнинг ўзаро алоқасива муносабати жараёнида маданий хусусиятларининг ўзгаришига нисбатан ишлатилади. Шу маънода “маданий ўзгариш” тушунчасининг аккультурация тушунчаси билан фарқли жиҳатлари борлигини ҳам англатади ва маданий муносабатларда, аккультурация жараёнларда ўзгариш мезбон, доминант гуруҳда ҳам доминант бўлмаган гуруҳда ҳам содир бўлади.

Туркияда олиб борилган тадқиқотларда аккультурацияга бундай ёндашилмайди. Турк олими Орхан Туркдоғанинг хулосаларига кўра, аккультурация бир маданиятнинг бошқа бир маданият ёки маданиятлар билан доимий алоқасини ўрганиш[7:75] ва у асосида маданий хулосаларни шакллантириш ҳисобланади. Бошқа бир турк олими Бозкурт Гувенчининг фикрича, аккультурация жараёнида бир маданий гуруҳ билан бошқа бир маданий гуруҳнинг хусусиятлари синтезлашади[8:87]. Шундай экан, мамалакатимиздаги аккультурация жараёнларда ўзбеклар ва бошқа миллатлар ва динлар ўртасидаги муносабатлар натижасида юзага келган маданий уйғунлашув жараёнининг ижобий ва салбий жиҳатларини ўрганиш ва ёшларда маданий уйғунлашув шароитида нималарга эътиборли бўлишларини ўргатиш муҳим педагогик вазифалардан бирига айланиб бўлган.

Жамият демократлашуви шароитида маданий муносабатларнинг такомиллашуви – сиёсат, онг, тил ва маданиятни ўзида ифодаладиган маданийлашув жараёнларининг ҳам ривожланиши демакдир. Маданий муносабатларда нафақат ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий ва бошқа соҳаларида рўй бераётган демократик ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислохотлар, балки мавжуд қийинчиликлари, зиддиятлари ҳам ўз аксини топиши табиийдир.

Маданий муносабатлар маданий бирлик субъектларининг ички алоқаларида намоён бўлувчи жамиятдаги муносабатлар шакли бўлиб, бу йўналишда асосий урғу муайян маданий ҳамкорликка эришишга қаратилган бўлади. Маданий муносабатлар тизимида



ижтимоий, маданий, сиёсий, этник, ҳуқуқий аспектлар мавжуд бўлади. Шунингдек, маданий муносабатлар турли даражада – маданиятлараро, муайян миллатлар ичидаги ва миллатлараро кўринишда (яъни, кўп миллатли давлат доирасидаги миллий бирликлар ўртасидаги муносабат кўринишида), жамият ва шахслараро кўринишда мавжуд бўлади ва ривожланади[9: ].

Маданий муносабатлар ривожланишида иккита ўзаро кесишадиган тамойил ажратилади:

- инсон ҳаёти барча томонларининг иқтисодий интеграцияси ва байналминаллашуви тамойили;
- маданий бирликнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзлигини намоён этиш, ўзини ўзи бошқаришга интилиши тамойили.

Ушбу тамойиллар кўпинча иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий соҳалардаги асосларга эга бўлган объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқ тўқнашув ва зиддиятлар ҳолида бўлади.

Маданийлашув жараёнларини ўқувчиларга тушунтириш, ўргатиш ва уларда аккультурацион дунёқарашни шакллантиришнинг назарий методологиси ишлаб чиқилди.

Хулоса қилиб айтганда аккультурация жараёни деб биргаликда яшаб келаётган ёки яшашга мажбур бўлган турли маданий хусусиятларга эга одамлар муқаррар равишда бир-бирларига ўзаро таъсир кўрсатиб келишига айтилади ва бу жараёнда юзага келадиган ўзгаришларга нисбатан ишлатилади.

“Маданийлашув”нинг шаклланиши, ривожланишига оид замонавий концепциялар, назариялар, маданий муносабатлар ва аккультурацион муносабатлар мазмуни, фарқли жиҳатлари ва диалектик алоқадорлик масалалари, бу борада хорижий ва миллий доирадаги изланишлар илмий ўрганилди.

Аккультурация жараёни деб биргаликда яшаб келаётган ёки яшашга мажбур бўлган турли маданий хусусиятларга эга одамлар муқаррар равишда бир-бирларига ўзаро таъсир кўрсатиб келишига айтилади ва бу жараёнда юзага келадиган ўзгаришларга нисбатан ишлатилади.

### Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент.: Ўзбектстон. 2019. –Б. 186.
2. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. –Тошкент.: Ўзбектстон. 2019. –Б. 184.
3. Berry JW (1997) Immigration, acculturation and adaptation. *Appl Psychol*, 46:5-68; Berry JW (2001) *Apsychology of immigration*. *J Soc Issues*, 57:615-631
4. Flaskerud JH (2007) Cultural competence column: acculturation. *Issues Ment Health Nurs*, 28:543-546.
5. Şerif Kiziltaş. Kültürleşmenin tüketici etnosentrizmi üzerine etkisini belirlemeye yönelik bir araştırma. *Doktora Tezi*. Erzurum. 2014. –С. 4-12.
6. “Acculturation” tanımı konusunda ayrıntılı bilgi için bkz.: Tureng İngilizce-Türkçe Sözlük, “Acculturation” maddesi, <http://tureng.com/search/acculturation> (05.11.2012).



7. Orhan Türkdoğan, Türkiye’de Köy Sosyolojisinin Temel Sorunları, Dedekorkut Yayınları, İstanbul, 1977, s.75.
8. Bozkurt Güvenç, Kültürün ABC’si, 2. b., Yapı Kredi Yayınları, Cogito–67, İstanbul, 2002, s. 87.
9. Моисеев Н.Н. Цивилизация на переломе. Пути России. М., 1996; Социология межнациональных отношений. М., 1996; Россия: социальная ситуация и межнациональные отношения в регионах. М., 1996.